



## ПАХТАЧИЛИК ТАРИХИДА БУЮК ҒАЛАБА



В. И. Ленин номидаги Қизил майдонда республикаимиз пахтакорларининг катта ғалабасига бағишланган митинг президиуми.

### КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА ўртоқ Никита Сергеевич ХРУШЧЕВга

Биз, КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг республикаимизга юборган табриги олгангайлигига бағишланадиган ўзбекистон пахтачиларининг кўп мишги митинг қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитети, жоножон Совет ҳукуматига, азиз Никита Сергеевич, Сизга ўзининг энг самимий, энг қизғин саломиниизни йўллаймиз.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ўзларининг табрикларида ишовч билдириб, ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнатқилари сугориладиган дехқончиликни ривожлантириш соҳида партия ва ҳукумат қўйган вазифаларини алаб-та бажардилар ҳамда пахта, дов, сабазот, гўшт, сут, шила, қоракўл тери, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтиришга эришдилар, деб айтдилар.

Партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг пахтакорларнинг жўшқин меҳнатига берган юксак баҳосини ўзбекистоннинг ҳамма меҳнатқиллари жуда зўр мамуният билан кутиб олдилар. Табрикноманинг ҳар бир сўзи қалбимизда зўр хурсандчилик туғдирди, ҳаммамизни гоёт тўлқинландирди ҳамда секинлик Совет Ватанизмизнинг бахт-саодати ва раванки йўлида янги шовин ишлар қилишга рўزلандирди.

Биз, КПСС Марказий Комитетини, Сиз, азиз Никита Сергеевични шонитириб шунинг айтишимиз партия, ҳукуматнинг мана шу умидларини рўйга чиқармоқ учун ҳамма чораларни кўрамиз. Ўзбекистон пахтакорлари пахтанинг ҳосилини йилдан-йилга узлуксиз оширишга ва мамлакатга тобора кўпроқ миқдорда пахта беришга қатъий ваъда қилдилар. Биз тағин ҳам кўпроқ ғайрат билан дехқончилик маданиятини ошира берамиз, пахтачилида комплекс механизацияни ва химизацияни жорий қила берамиз, янги ерларни ўзлаштира берамиз, юқори ҳосил усталари бўлган машъалларнинг тажрибаларини кенг ёлберамиз.

Визнинг ўзбекистонда пахта учун кураш чинакам умумхалқ иши бўлиб қолди. Биз бу курашга ўзининг бутун ҳароратини сарфламакда, чунки пахта Ватанизмизнинг бойлиги эканлигини, умум халқ мўл-кўлини дастурхонига, коммунизмнинг моддий-техника базасини кўчурганга келтиришга қўйилган салмоқдор ҳисса эканлигини биламиз. Биз пахта етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтиришни ўзининг юксак интернационал бур-чайиши деб, Ватанизмга бўлган муҳаббатинизнинг барча совет халқлари билан бузилмас қардошларча дўстлигимизнинг ифодаси деб биламиз.

Келгуси йилда пахтадан мўл ҳосил олиш учун ҳозир замин тайёрламокда — ерлар шудор қилимокда, ўғитлар далаларга чиқариб қўйилмокда, ирригация шохобчалари тозаланмокда ва бошқа кузги-қишги ишлари авж олдирилмокда. Шу билан бир вақтда дон етиштиришни кўпайтириш учун катта кураш бошлаб юборилди. Кузги ғалла экин ишлари шунинг асосий иши бўлиб қўйилди. Дон экинларидан йилга икки марта ҳосил олиш учун, гектар бошига юз центнердан дон олиш учун комсомоллар ташаббуси билан бошланган ҳаракат тобора кенг авж олмокда. Ўзбекистоннинг мамлакатимизнинг асосий пахта базаси бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга мамлакатининг бой ғалла қони ҳам бўлиб қолдирмоқда эришамиз.

Республиканинг ҳамма меҳнатқиллари қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун курашга деҳқонлар билан бирга бел боғлаб киришдилар. Химия соҳагининг ходимлари минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтирилдилар. Машинасозлар колхоз ва совхозларга энг яхши машиналарни тобора кўпроқ тайёрлаб бermoқдалар. Ирригаторлар янги каналлар ва сув омборлари қуриб бermoқдалар. Олимлар экинлардан мўл ҳосил олишни ва чорвачиликни юксалтиришнинг ялғор методларини излаб топиб, ишлаб чиқаришга жорий қилмоқдалар.

Бу кураш кундан-кунга янгида янги муваффақиятларни тағминлай беради. Биз бунга аминимиз, чунки ўзининг коммунистик Ватанизмизни астойдил севанас, чунки унга хизмат қилишни ўзининг учун юксак бахт деб биламиз, чунки коммунизм кўришдан иборат улғу мақсад ҳаётийимизнинг аса мақсади ва шу мақсад учун меҳнат қилиш бизнинг шарафли ишимиздир. Биз муваффақиятлар қозонишимизга аминимиз. Партия бизни шонли ишлар, яхши ишлар қилишга чорламокда, рўزلандирмокда, партиянинг раҳбарлиги ҳамма ғалабаларимизнинг гаровидир.

Халқлар қардошлиги ва дўстлигининг қалъаси бўлган улғу совет Ватанизмиз абадий омон бўлсин, ҳамма раванқ топили!

Совет халқини инсоният бахт-саодатининг чўққиси—коммунизм сари дадил олиб бораётган қаҳрамон Коммунистик партиятга, абадий барҳаёт Ленин партиясига шон-шарафлар бўлсин!

Ўзбекистон пахтакорлари Ватанга 3 миллион 660 мннг тонна пахта бердилар. Бу юксак маррадир. Ленин совет кишларининг битмас-туганмас кучи, чексиз имкониятлари бор, уларнинг Ватанизм иқтисодий қудратини мустаҳкамлашига қўшаётган ўз ҳиссаларининг гўҳтовасиз кўпайтиришга бўлган иштироки бениҳодир.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАХАР КОМИТЕТИ, МЕХНАТҚИЛЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

10-НИЛ ЧИҚИШИ  
№ 237 (2528).  
**3**  
ДЕКАБРЬ  
СЕШАНБА  
1963 йил  
БАҲОСИ  
2 ТИНИН

## ТҮЙ МУБОРАК, БАЙРАМ МУБОРАК! Тошкентда кўпмингкишилик митинг

Қўш орденли Ўзбекистон ҳар бир меҳнатқилининг қалби чексиз шодлик, беҳад бахтиёрлик ҳислари билан тўлиб тошди. Бу ҳисларнинг гўзаллида теги йўқ, лекин бу ҳислар республикаимизда ҳамма касб аҳилларини-деҳқонлар ва химикларни, энергетиклар ва чорвадорларни баббаравар тўлқинландириб турган битта ниқса сўзга тўлиб ифодаланган.

Улар эркин ва илҳомбахш юксак иқодорликнинг, фронтдаги шижоат каби мардоназор ва камтар шижоатнинг, жон куйдириб қилинган меҳнатнинг ифодаси бўлган «пахта» деган сўзини фахрланган тилга олиш билан жоножон партиятга, секинлик Ватанга ўзларининг янги маррага эришганликларини тўғрисида бутун қалбдан чиқариб рапорт бermoқдалар. Бу рапорт «оқ олтин»дан мисдан кўрилмаган ҳосил олиб, уни давлатга топшириш тўғрисида Ўзбекистоннинг коммунистик мажбуриятини бажарганлиги ҳақидаги рапортдир.



Суратда: В. И. Ленин номидаги Тошкент Қизил майдонда республикаимиз пахтакорларининг катта ғалабасига бағишланган митинг қатнашчилари.





